



ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Виктор Алимасов

Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон ДСМИ профессори

<https://www.doi.org/10.37547/ejsspc-v03-i02-p1-35>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2023

Accepted: 16th February 2023

Online: 17th February 2023

KEY WORDS

Маданият, ҳудудлар
ижтимоий-маданий
ривожланиши, аҳоли
фаоллиги, муниципал
бошқарув, универсаллик,
комплекслик, маданият
ходими, ўзига хослик,
маънавий эҳтиёж.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантириш назарияси ва амалиётга оид концептуал масалалар муҳокама қилинади, Маданият кодекси қабул қилиш ва ҳудудлар аҳолиснинг фаоллигини ошириш механизмларини яратиш зарурлиги уқтирилади.

Мамлакат - яхлит комплекс, ундаги барча соҳалар, институционал тизимлар бир бирига узвий боғланган. Бу эса комплекс ёндашувни, яъни барча соҳалар, тизимлар ва институтларга, улардаги ижтимоий муаммоларни ўрганишга комплекс ёндашишни тақозо қилади. Бундан ташқари, маданиятнинг универсал хусусияти, ижтимоий борлиқнинг барча соҳаларига, инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларига синггиб кетгани мавзумизга комплекс ёндашишни шарт қилиб қўяди.

Илмий адабиётларда маданиятни маънавий маданият ва моддий маданиятга классификация қилиш устувор ёндашиш бўлиб келган. Тўғри, унинг кейинчалик семиотик, этнологик, этнографик, лингвистик, антропологик, социологик, тарихий, феноменологик жиҳатлари ҳам алоҳида воқелик сифатида ўрганила бошланди, бироқ маданиятнинг универсал ва комплекс хусусиятга эга ҳодиса экани инкор қилинган эмас. Баъзи адабиётларда маънавиятни маданиятдан алоҳида воқелик сифатида талқин қилишга интилиш учрайди, аммо улар ҳам пировард натижада маданиятнинг универсал, комплекс воқелик эканига иқрор бўлишади.

Ҳудудлар "жамият" деб аталган мураккаб институтнинг бир қисми, йўналишидир. Унда икки-умумийлик ва хусусийлик мужассам. Умумийлик жамият, халқ, миллат, давлат ва инсониятга хос белгиларни ифода этса, хусусийлик "умумийдан фарқлананувчи, ўзининг ички имманент белгиларига эга, нисбатан алоҳида мавжуд" объект дир. Нисбатан алоҳида-лик хусусийнинг, бизнинг мисолимизда ҳудуднинг, бош белгисидир.



"2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясидаги етти устувор вазифаларга ижтимоий-маданий ривожланиш мақсади сингдирилган. Устувор вазифалар "инсон қадрлари учун" тамойилига, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қурилган таъкидланади. Булар моҳиятан ижтимоий-маданий характерга эга талаблар ва вазифалардир. Шу билан бирга, устувор йўналишларнинг бешинчиси бевосита ижтимоий-маданий тараққиётга тааллуқли. У "маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш" деб белгиланган. Бу ўринда "маънавий тараққиётни" баъзи тадқиқотчилар қилганидек, "илоҳий нур" каби мифотеологик талқин қилмаслик керак, у моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси. Шундай кенг талқин қилинса, "маънавий тараққиёт" тушунчаси жамият ҳаёти, реал ижтимоий муаммолар, инсон қадрлари, фаоллиги, турмуш фаровонлиги ва ахлоқий- маънавий императивлар, қадриятлар, моддий билан боғлиқ, умуман, моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси эканини тўғри англаймиз.

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрлари улуғлашга қаратилган дастлабки тадбирлар сифатида ижтимоий ҳимоя тилга олинади. Унда 2026 йилгача эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиниши кераклиги юклатилган. Қароқолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4 синф ўқувчиларини бепул нонушта ёки тушлик билан таъминлаш ўрнатилган. Ижтимоий ҳимоя давлатнинг социал функцияларидан бири, у давлатнинг халқпарварлиги ифодасидир. Аммо ижтимоий ҳимоя текинтамоқ шахсларни шакллантириш омили эмас, балки уларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга қайтариш, тайёрлаш усулидир. У паллиатив хусусиятга эга чора.

Тараққиёт стратегияси ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантиришни маҳаллалар билан боғлайди. Уларни фаоллаштириш учун 8 та устувор йўналишлар белгиланган. 6- йўналишда "маҳалла ҳудудларида

давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмалар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин", деб кўрсатилган. Бу маҳалла ҳудудининг ижтимоий-маданий ривожланишига турки беради. Шу билан бирга, маҳалла институтини ҳудуд ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг бош субъектига айлантириш ҳақида бош қотириш керак. Маҳалла институтини жорий этиш ва ривожлантириш босқичларини ўрганиш кўрсатадики, у ҳали ҳудудий муаммоларни ҳал этишга қодир институтга айлантирилмади, унга маҳаллий ва марказий идоралар тазйиқи ҳамон кучли. Бугун у оилавий низоларни ечиш, ободонлаштиришда қатнашади холос.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маданий хизматлар инфратузилмасини яратиш, турар жойлар комплекси барпо этиш, йўللار ва объектларни таъмирлашда у деярли ҳеч қандай таъсир ўтказолмайди. Маҳалла институти ҳокимларга қарам, уларнинг югурдаги бўлиб қолмоқда. Маҳалланинг юридик статусини қайта кўриб чиқиш, уни ташқи тазйиқлардан халос қилиб, ҳудуднинг чинакам эгасига айлантириш зарур.



Тараққиёт стратегиясига мувофиқ маҳаллаларда янги институт-- ёшлар билан ишловчи 9 300 дан зиёд ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. У маҳаллаларни фаоллаштиришга хизмат қилишга даъват этилган. Жойларда маълум бир тажрибалар ҳам тўпланган. Маҳалла--туман--вилоят-- республика вертикали шакллантирилган. Минг афсуски, бу борада ҳам ҳали аниқлик етишмайди. Ёшлар етакчисининг юридик статуси аниқ эмас, унинг ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантиришдаги ўрни ва вазифалари, фуқаролар йиғини, маданият марказлари ва бўлимлари, мактаблар, ўқув юртлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан функционал алоқалари доираси белгилаб берилмаган. Умуман, ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантириш кимнинг вазифасига киради? Бир қарашда бу вазифани Маданият бошқармалари ва бўлимлари бажариши керакдек, аммо уларнинг бу борадаги ҳуқуқий, молиявий, архитектура-қурилиш, санитария, йўл-транспорт, иқтисодий зоналар каби кўплаб тизимлар билан алоқалари ойдинлик талаб этади. Шундай аниқ меъёр ва талабларнинг ишлаб чиқилмагани туфайли баъзи тарихий-маданий объектларга қарашли ерлар ва бинолар тадбиркорларнинг хусусий мулкига айлантирилган. Менинг фикримча, ушбу зиддиятларга тўла маданият соҳасидаги муносабатларни миллий тараққиётимизга мувофиқ келадиган қонунлар тўплами -- Маданият кодексини қабул қилиш орқали ҳал этиш мумкин.

Маданият кодексига ҳудудларнинг ижтимоий-маданий ривожланишида муниципал бошқариш ва маҳалланинг устуворлик ролини таъминловчи махсус қонун ўз ўрнини топиши даркор.

Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларни янги дарсликлар билан таъминлаш, "бир қадам" тамойили асосида тиббий хизматни йўлга қўйиш каби, пировард натижада аҳолининг турмуш маданиятига ижобий таъсир этувчи устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг қўйилиши ва ижроси ҳақида турли, кўпинча қарама-қарши фикрларни айтиш мумкин. Масалан, давлатимиз тиббий хизматлар соҳасидаги таъмагирлик ва коррупцияни бартараф этишга

уринаётган бўлса-да, улардан бу яқин ўртада қутулишимиз даргумон. Қарангки, таъмагирлик ва коррупцияни айрим фуқароларнинг ўзлари (бунга ОАВ ва интернетдан истаганча мисоллар келтириш мумкин, жон ширин кўринса керак - да?!) "қўллаб-қувватламоқда", шу боис улардан қутулиш жуда қийин кечмоқда.

Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид янги тартиблар ўрнатилиши кўрсатилган: 1) барча туман ва шахснинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганиш ҳолда ҳудудларнинг тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади; 2) ушбу дастурдаги вазифаларнинг бажарилиши ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Жўқорғи Кенгашга, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлар халқ депутатлари ва Олий Мажлисга ҳисобот беради; 3) ҳудудларни ривожлантиришга оид лойиҳалар маҳаллий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади; 4) маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган "йўл хариталари" ишлаб чиқилади; 5) барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг ҳудудни ривожлантириш дастурлари жамоатчилик муҳокамасига қўйилади; 6) ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул



қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими шакллантирилади.

Кўриниб турибдики, ҳудудларни ривожлантириш маҳаллий органлар, раҳбарлар зиммасига юклатилган. Бизнинг фикримизча, бу ўзгаришларда аҳолининг иштироки лойиҳа ва дастурларни муҳокама қилиш, ҳисоботларни тинглаш билан чегараланиб қолмаслиги зарур. Маҳаллий аҳолининг иштироки ва масъуллигини ошириш механизмлари шакллантирилиши керак. Масалан, ҳудудларда барпо этиладиган объектларга маҳалла кенгаши ва архитектор, экология экспертизасидан ўтгандан кейин рухсат бериш тартибини жорий этиш мумкин. Умуман, юқоридаги ташкилотлар ҳар бир ҳудудни ижтимоий- маданий ривожлантириш бош режасига эга бўлиши лозим. Тараққиёт стратегиясида бу мақсад сари муҳим қадамлар ташланган, аммо уларни ҳар бир ҳудуднинг дифференциал хусусиятларидан келиб чиқиб, реал ҳаётга тадбиқ этиш осон эмас. Бош мақсадимиз, ҳудудларни, улардаги аҳолини ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг бош субъектига айлантириш, унда ҳудудий тараққиёт учун масъулликни ошириш, ҳар бир фуқаронинг ўз уйи атрофи, кўчаси, маҳалласи аҳволи, ҳудудий ҳаёти учун жон куйдиришига эришиш зарур. Ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантириш учун масъуллигини сезган аҳоли маҳаллий органлардан фаолликни талаб этиши мумкин.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорида ёшлар билан боғлиқ қатор ҳудудий аҳамиятга эга муаммолар кун тартибига қўйилган. Унда ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш зарурлиги кўрсатилган. Моҳиятан бу Қарор ёшларнинг ҳудудий- маданий ҳаётини тубдан такомиллаштиришга қаратилган. Ёшлар етакчилари устига:

- маданият ва санъатни тарғиб қилиш;
- соғлом турмуш тарзи ва спортни омдалаштириш;
- ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- тадбиркорлик ғояларини қўллаб- қувватлаш каби вазифалар юклатилган. Уларни ташкил этиш ва ғоявий-тарбиявий аҳамиятини оширишда аввало маданият муассасалари иштирок этади. Бусиз асло мумкин эмас. Демак, ёшлар етакчиларига маданият ва санъатдан хабардор, бу соҳаларда махсус маълумотга эга ёшлар сайланиши даркор. Ҳудудлардаги ижтимоий-маданий ҳаётдан ва муаммолардан яхши хабардор бўлган ёшларни маҳаллий ҳокимият Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига йўлланма бериш ёки малака ошириш курсига юбориш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар етакчисининг функциялари, Президентимиз Қарорида кўрсатилганидек, Маданият марказлари билан айнан. Улар ўртасидаги фарқ кам. Маданият марказларининг тадбирлари кенг аҳолига, ёшлар етакчилариники эса ёшларга йўналтирилган ; биринчиси Маданият вазирлигига, иккинчиси маҳаллий ҳокимиятга бўйсунди. Аммо иккала тизим ҳам ҳудудни ижтимоий-маданий ривожлантиришга



хизмат қилади. Асосий функцияларининг яқинлиги уларни ҳақорлик қилиб ишлашга ундайди. Бизда ҳокимиятга яқин ҳар қандай шахсни, лавозимни мутлақлаштиришга интилиш мавжуд. Эсда тутиш керакки, тадбиркорлар билан ишлашга даъват этилган ҳоким ёрдамчилари ҳам, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳам аҳоли ва ёшлар ўртасида маданий, тарғибий, тарбиявий ҳамда ташкилий ишларни олиб боровчилардир. Улар маданият ходимлари тажрибасига таянишга, улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Ушбу ижодий ҳамкорлик пировард натижада ҳудудни ижтимоий- маданий ривожлантиришга олиб келади.

Ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантиришда иқтисодиёт соҳасининг роли катта. Иқтисодиёт яратадиган моддий неъматлар, бинолар, майдонлар, уй жиҳозлари ўз навбатида моддий маданият намуналаридир. Шунинг учун ҳар қандай иқтисодий фаолият, моддий неъматлар маданиятшунослар предмети бўлиши мумкин. Иқтисодий-маданий жараёнларсиз умумий, ижтимоий тараққиёт йўқ. Демак, маданият иқтисодиётдан нафақат предметини қидиради, шунингдек, уни ўзининг таъсири, элементлари ва социогуманистик мероси билан бойитади. Шу тарзда иқтисодиёт бир томонидан, инсоннинг биологик, физиологик ва социал эҳтиёжларини қондирса, иккинчи томондан, маданият таъсири остида инсон ён-атрофини гўзаллаштиради, турмушини фаровон қилади, табиий бойликларидан самарали фойдаланиб, урбанизацион ва цивилизацион тараққиётни таъминлайди.

Бугун юртимизда иқтисодиётнинг янги-янги йўналишлари, объектлари ва тузилмалари пайдо бўлмоқда. Масалан, 180 та маҳсулот чиқараётган Ангрен, 160 га яқин турли маҳсулотлар чиқарётган Навоий эркин иқтисодий зоналари йирик комплекслар ҳисобланади. Шунингдек, бугун Республикамизда тадбиркор ёшларнинг 186 та иқтисодий савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва турли хизматлар кўрсатувчи марказлари, ҳар бир туман ва шаҳарларда IT парклар, 2 мингдан ошиқ "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", янги "сити"-марказлар, турар-жой массивлари қад кўтарганки, уларнинг ҳар бири маданият муассасалари учун тайёр аудиториядир. Аммо улар ижтимоий-маданий жараёнларга жалб этилаётгани йўқ. Тўғри, айрим янги массивлар ва IT паркларда пуллик хизматлар кўрсатувчи компьютер тузатувчи устахона, ўқув заллари, канцтоварлар сотувчи масканлар, аксарият янги массивлар олдида очиқ транежерлар, саломатлик йўлаклари бор. Бу жойларга ҳали маданият марказларининг назари тушмаган. Ушбу иқтисодий соҳалар ва янги массивлардаги аҳолининг дам олишини уюштириш, уларда миллий маданият ва санъатга қизиқиш уйғотиш маданият ходимлармизнинг вазифаси ҳисобланади. Бироқ маданият ва санъат ходимлари иқтисодиёт талабларини ўрганишдан йироқда. Рақамли иқтисодиёт концепциясини олайлик. Бу қандай воқелик? У иқтисодий ривожланишимизга нималар беради? Бу борада қандай билимларга эга бўлиш даркор? Ушбу муаммоларни ҳал этишга маданият муассасалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Республикамизда 600 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари мавжуд, аммо уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириши маданият ва санъат ходимларининг вазифасига ҳали айланмади. "Рақамли Ўзбекистон--2030" концепциясини тарғиб этиш биз, маданиятшунослар учун ҳам улкан изланишлар майдонидир. Биз иқтисодиётга қандай хизмат қилсак, у ҳам бизга шундай хизмат қилади, бизни моддий қўллаб -қувватлайди.



Иқтисодиёт маданиятнинг драйвери, уни ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантиришга йўналтириш маданият ходимларининг ҳам вазифасидир.

Ҳудудларни ижтимоий-маданий ривожлантиришда ҳар бир соҳа, институт ва объектнинг ўрни бор. Жамиятимиз ҳаётида, кишиларимиз онгида "Учинчи "Ренессанс" ғояси шаклланмоқда. Бу улкан мавзу, муаммо.

Уни позитив воқеликка айлантириш учун бутун интеллектуал салоҳиятни, ижодий кучларни ҳаракатга келтириш зарур. Бу борада ҳам маданият ва санъат ходимлари бирор ташаббусни илгари суришгани йўқ. Жамиятни тубдан ангиланишга қаратилган Янги Ўзбекистон ғоясини кенг оммалаштириш ва объектив воқеликка айлантириш борасида ҳам соҳамиз ходимлари орқада қолмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни тез илғаб, уларни маданият ва санъат воситалари орқали оммалаштириш бизнинг асосий вазифамиз эмасми ахир? Назариямиз бизни ижтимоий ва ижодий фаол, ён-атрофимиздаги янгиликларга ҳозиржавоб бўлишга, фидоийлик кўрсатиб, элни, оммани юксак маданиятли, гўзал ахлоқли ва ватанпарвар қилишга ундайди. Аксарият маданият ходимларимиз маоши пастлигидан, муассасалари эски, асбоб-ускуналар, воситалар етишмаслигидан нолишади. Бу касбий стереотипга айланган. Менинг фикримча, бу касбий ва маънавий-ахлоқий заифлик белгиси, у маданият ходимига ярашмайдиган фазилатдир...

Комплекс ёндашув ҳудудлардаги ҳар бир институтга, объектга мувофиқ келадиган ижтимоий-маданий вазифаларни белгилаб олишни тақозо этади. Маданият ва санъат соҳаси ижтимоий ўзгаришлардан орқада қолмаслиги, балки уларни тез илғаб олиб, янгиланишлар тарафдори ва жарчиси бўлиши керак.

References:

1. Герберт И. Г. Идеи к философии истории человечества.-Москва: Наука, 1977. С.133 - 145, 450-451.
2. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Том 1.-Москва: Мысль, 1990. С.159.
3. Бромлей Ю.В., Продольный Р.М. Создано человечеством. -Москва: Политиздат, 1978. С. 14 - 23.
4. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республика Узбекистан Олий Мажлису. 24 января 2020 года.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони. "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида"// "Янги Ўзбекистон", 2022, 1 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Қарори. "Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"// "Халқ сўзи", 2018, 29 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони. "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"// "Янги Ўзбекистон", 2020, 27 май.
8. Обидхўжаев У. Янги ташаббуслар, қулайлик ва имтиёзлар // "Янги Ўзбекистон", 2022, 6 сентябрь.



9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" . 2021, 20 апрель. 30- сонли қарори.